



## ҲОСИЛ БАРАКАТИ ЁВВОЙИ ЎТ ОФАТИ

Ленин номидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (Союз НИХИ) гербицидларни бегона ўтларга қарши қўллаш устида каттагина илмий ишлар олиб борапти. Бу соҳада анчагина ибратли ишлар қилинди, қимматли тажрибалар тўпланди. Қуйида ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

### ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

**ДАВРИМИЗНИНГ** талаби коммунизмнинг улкан моддий-техника базасини яратиш, коммунистик маъмуриликни бунёдга келтиришдан иборатдир. Қаҳрамонона ишларга отланган совет кишиларининг куч-қудрати, шижоати меҳнати билан коммунизмнинг муҳташам биноси тобора тез қад кўтараяпти. Партия, ҳукуматимиз мамлакат куч-қудратини ошириш, асосий моддий бойликларни яратиб бераётган қишлоқ хўжалигини мисли қўрилмаган миқёсларда ривожлантириш йўлида чинакам ғамхўрлик қилиб келяптилар. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тез суръатлар билан ўтхотвасиз олға қараб ривожланаётгани бундан далолат бериб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг пленумларида қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ғоят ақтуал масалалари тез-тез муҳокама қилиниб туриляпти. Қишлоқ хўжалигини химиялаштиришга бағишлаб ўтказилган тарихий декабри Пленуми ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсификация масаласини муҳокама қилган февраль Пленумида ҳам қишлоқ хўжалиги тараққитининг янги истиқболлари доволик билан кўрсатиб берилди. Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши олдида экинлар ҳосилдорлигини кескин кўтариш ҳисобида махсуслот этиштиришни кўпайтириш ва махсуслот таннархини арзонлаштиришни асосий вазифа қилиб қўйди.

**КОММУНИСТИК** маъмуриликни яратибдиқ олижаноб ишга олимлар ҳам муносиб ҳисса қўйишляпти. СоюзНИХИ коллективи пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва арзон махсуслот этиштириш йўлида қўллаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борляпти. Ҳар бир янгиликни чуқур ўрганиб, уларни амалда турғи тадқиқ этиш йўллари ишлаб чиқарили. Илмий-тадқиқот ишларини давр талабларига мувофиқлаштириб, пленумларда қабул қилинган қарорлар асосида олиб борляпти.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш вазифалари бошқа илмий-тадқиқот институтлари қатори бизнинг СоюзНИХИ ижодий коллективи зиммасига ҳам катта масъулият юкляди.

Усимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини қўлланмай туриб, даладар ҳосилдорлигини ошириб бўлмайди. Бегона ўт, экин зараркунадалари ва касалликларига қарши курашда агротехника ва биологик методлар билан бирга химиявий воситалардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Химия воситаларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш катта истиқболларга эга. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишича агар бундай воситалар кенг қўлланилса ҳар йили турғи ярим миллион сўм миқдорда қўшимча қишлоқ хўжалик махсуслотлари этиштириш мумкин. Шунинг учун ҳам декабри Пленуми қишлоқ хўжалигини химиялаштириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида революция бўлади, деб ўз вақтида турғи уқитибди.

### ЎТСИЗ ДАЛАЛАР

**БЕГОНА ўТ** — ҳосилнинг ападий душмани. Деҳқонларимиз ана шу бегона ўтлар туйфайди ҳар йили 20 миллион тоннагача гаалла, бир неча ўн миллион сўмлик бошқа экинлар ҳосилини йўқотадилар. Чунки бегона ўтлар экинга солинган қимматли озунгача шерик бўлади, даладаримиз ҳосилдорлигини пасайтириб юборди. Экинлар ўсиш, ривожланишдан, пировардида эса ҳосилдан қолади. Хирмондан баракка арийди. Ерга қилинган меҳнатнинг кўпи сое кетади. Ҳар бир деҳқон экинларининг яхши ривожланиши, ҳосилнинг ўзла сақлаб қоллинишидан айнакча манфаатдордир. Шунинг учун экин майдонларини бегона ўтлардан мунтазам тозалаш туриш, қатор ораларида инки томонлама сифатли ишлов ўтказиб туриш зарур.

Бир гектар ўрта даражада ўт босган пахта майдонини бир марта чопиш ва ўтини йўқотиш учун 6—8 дан то 10—12 га, серўт ерларда эса бундан ҳам кўпроқ одам кучи сарфланади. Кўпгина колхоз-совхозларда даладарини қалин ўт босиб кетганлиги, уларни йўқотиш мумкин бўлмаганлиги туйфайди пахта ва бошқа экинлардан жуда паст ҳосил олиб келинади. Бажариллиши керак бўлган агротехника тадбирларининг ўз вақти-соатида (шудгорлаш, экиндан олдинги ишлов, қатор ораларида культивация ўтказиш) амалга ошириш даладар ўтини камайттиради, лекин ўт чопиш ва ўтоқ қилиш заруратини чеклаб қўймайди.

Ўтоқ қилиш, ўт чопиш ёвзанинг дастлабки ёсув даврида алоҳида аҳамиятга эга. Аммо бундай усулда бегона ўтларни йўқотиш оғир масаладир. Бунинг устига кўп меҳнат талаб қилади. Бегона ўтларнинг кўпчилиги қисми уруғ ёки илдизлардан униб чиқади. Шунинг учун айнакча бегона ўтларнинг уруғ болгашига йўл қўймаслик, майдонларни уларнинг илдиздан доимий равишда тозалаш туриш керак.

**БЕГОНА ўТИ**ни қириб ташлашда захарли химикатлар — гербицидларнинг фойдаси бекивсдир. Гербицидларни бошқа фойдали агротехника приёмилари билан биргаликда қўлланиш айнакча яхши натижалар берапти.

Гербицид ўз номи билан ҳам бегона ўт кўшадиса. Лотинча «герба» — ўт, «цида» — ўлдирмаган деганидир. Институт гербицидларини ўрганиш масалалари билан 1956 йилдан бунён шугулланиб келяпти. Бу ишлар асосан пахта ва маккажўхори ўстириляётган тажриба участкаларида, институтнинг жойлардаги экспериментал базаларида, далачилик лабораторияларида олиб борляпти. 1959 йилдан эътиборан гербицидларни ўрганиш ишлари институтнинг областлардаги тажриба станцияларида, Қорақалмоғистон АССР қишлоқ хўжалик институти базасида ва Қирғизистонда ҳам бошлаб юборилди.

Гербицидларни ўрганиш, улардан пахтачилик ва маккажўхориликда бегона ўт



Гербицид паҳлавон кирди далага. Бегона ўт бағрига ёқди алағи!

ларга қарши қўлланишда бизнинг тупроқни ишлаш ва ёвза парварлиши бўлими коллективи натта тажрибалар тўплади.

Гербицидни кўпчилик деҳқонларимиз ҳали яхши билишляпти. Лекин гербицидлар қишлоқ хўжалиги ҳаётига чуқур илтиз отиб кирляпти. Деҳқонларимиз бу қимматли химиявий воситаларнинг аҳамиятини тушуниб етмоқдалар.

**ИНСТИТУТНИНГ** кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, гербицидлардан пахтачилик ва маккажўхориликда фойдаланиш ҳам хўжалик, ҳам иқтисодий соҳада катта аҳамиятга эга. Биз кўпгина гербицидларни ишлаб чиқариш процессида ҳар томонлама синаб кўрдик, муайян шарт-шароитларда тажрибадан ўтказдик, иқтисодий ҳисоб-китоблар қилиб бордик. Пахтачиликда монурон, диурон ва хлоразин каби гербицидларни бир йиллик бегона ўтларга қарши қўллаш жуда яхши натижалар берди. Даладон гербициддан кўп йиллик бегона ўтлар (ғумай, акриқ, қиёв ва бошқалар)ни йўқотиш мақсадларида олиб борилган

қўламда пуркаш учун мўлжалланиб тракторга осиладиган, чизель культиваторга ўрнатиладиган ИГС-2,4 мослама пуркағи ёрдамда амалга оширилди. Бу мослама диски боронага ҳам ўрнатиш мумкин. Бунда гербицид тупроқнинг 15-18 сантиметр чуқур қатламига тушади ва ундаги бегона ўт уруғлари ҳамда илдизларини ўлдирди.

### БАРАКА МАНБАИ

**ПАХТАЧИЛИКДА** бегона ўтларга қарши гербицидлар ёрдамида олиб борилган тажриба ишлари яқунларини баъзи бир мисоллар асосида кўриб чиқайлик. Кейинги икки-уч йил мобайнида гербицидларни ўрганиш натижалари шуни ифодалаб бердики, ҳар гектар майдонга 0,6-0,8 килограмм (соф ҳолда) дозаларда монурон ва диурон дорисини экиндан кейин ёхуд чигит экиш билан бир вақтда солиш ўт зурриятини кескин камайтириб юборди. Бунинг қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

| Вариантлар               | 1 гектар ерга солинган гербицид миқдори (тонна) |   | Ўтнинг йўқолиш процентини |                           | 1 гектар ерга солинган гербицид миқдори (тонна) |                           | Ўтнинг йўқолиш процентини |     |
|--------------------------|---|---|---------------------------|---------------------------|---|---------------------------|---------------------------|-----|
|                          | 1 гектар ерга солинган гербицид миқдори (тонна) | 1 гектар ерга солинган гербицид миқдори (тонна) | Ўтнинг йўқолиш процентини | Ўтнинг йўқолиш процентини | 1 гектар ерга солинган гербицид миқдори (тонна) | Ўтнинг йўқолиш процентини | Ўтнинг йўқолиш процентини |     |
| Қўлда ўт юлиш (контроль) | —   | 103,5   | —                         | 18,3                      | —   | 23,3                      | —                         | 5,9 |
| Диурон                   | 0,6   | 3,0   | 97,1                      | 9,7                       | 47,0  | 4,7                       | 79,8                      | 1,5 |
| Диурон                   | 0,75  | 6,2   | 94,0                      | 1,5                       | 91,8  | 1,4                       | 94,0                      | 1,5 |
| Диурон                   | 0,6   | 28,3  | 76,0                      | 3,7                       | 79,8  | 4,4                       | 81,1                      | 0,4 |
| Монурон                  | 0,75  | 13,0  | 86,2                      | 4,3                       | 76,5  | 3,5                       | 85,0                      | 0,9 |
| Хлоразин                 | 4,0   | 1,0   | 99,0                      | 1,5                       | 91,8  | 1,3                       | 94,4                      | 0,6 |
| Хлоразин                 | 4,0   | 1,0   | 99,0                      | 1,5                       | 83,6  | 1,6                       | 93,1                      | 0,9 |

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, гербицидларни кетма-кет қўлланиш натижасида бегона ўт тамоман йўқолиб борапти. Бир майдонга инки йил мобайнида гербицид солиш натижасида бегона ўт салмоғи ҳар бир квадрат метрда 103,5 дан 0,4—0,6 га тўшиб қолади. Ўт зуррияти 97-99 процентга ёхуд 5—13 бараварга камайиб кетди. Шунингдек бир йиллик бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидлар кўп йиллик ўтларга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Бундай гербицидлар қўлланиш участкаларида кўп йиллик бегона ўтлар салмоғи бир мунча камайди.

Ўтган йили селёкча ўрнатиб фойдаланиладиган ерга гербицид солиб кетувчи янги мослама олдик. Бу мослама ёрдамида ёвза қатор ораларига 25—30 сантиметр кенгликда гербицид сепади. Натижада меҳнат харажатлари анча қисқарди, гербицидларнинг ортиқча сарфланиб кетилишининг олди олинди. Ҳар гектар майдонга бериляётган препаратнинг ҳамми инки мартага қисқарди ёки ҳар гектар ерга 500-600 литр ўрнига 250-300 литр гербицид сарфланади. Лекин уларнинг фойдали жиҳатига ҳалал етгани йўқ. Пахта-орол тажриба станциясида (оч куларан, ўртача шўрхок тупроқли ерлар) ҳар гектар ерга чигит экилгандан сўнг инки килограммдан

хлоразин берилганда жуда яхши натижаларга эришилди. Бу гербицид берилган қаргаларда 2,5-3 ой мобайнида кўп йиллик бегона ўтлар кескин равишда камайди.

Олиб борган кўп йиллик илмий-тадқиқот ишларимиз алуқларига қараб шундай бир фикрни айтиш мумкин. Бизнинг институтимиз тасвия этаётган гербицидларни ишлашиш оптималь нормалари экиннинг униб чиқишига, ўсиши ва ривожланишига ҳеч қанақасалбий таъсир кўрсатмайди. Гербицидларнинг бегона ўтларга қарши ишлашганда колхоз-совхозларнинг раҳбарлари, агрономлар илмий-тадқиқот институтлари билан яқин алоқанда бўлишлар, улар билан ҳамкорлик қилишлар. Деҳқонларимизга гербицидлардан фойдаланишда қуйидаги кўрсатмани ҳавола қиламиз.

Диурон ва Монурон ҳар гектар майдонга 0,6—0,8 килограмм нормада, сув билан кўшиб тайёрланган аралашимнинг 250-300 литри миқдорда берилди. Жанубий районларда бу норма ҳар гектарга 1-1,2 килограммгача ортиши мумкин. Бу гербицид 25-30 сантиметр кенгликда тупроқнинг юзасига солинади. Бу препаратнинг таъсири 2,5-3 ой давом этади. Бу тадбир пахта майдонларида амалга оширилади.

**МАККАЖЎХОРИКЛИКДА** симазин ва атразин гербицидларидан фойдаланилганда бир гектар майдонга 3-4 килограмм нормада ёки сув қўшиб тайёрланган аралашма ҳолида 500-600 литр (250-300 литр ҳам бўлиши мумкин), миқдорда берилди.

Препарат маккажўхори доинини экиш билан бир вақтда солинади. Бу ҳам ер юзасига 25-30 сантиметр кенгликда сепади. Бу препаратнинг таъсир кучи бир йилгача сақланиб қолади. Шунинг учун бу тадбирни мавсумда бир марта ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Гербицидларни қўллаш бегона ўтларнинг кескин камайишига олиб келди, ёвзаларнинг яхши ўсиб, эркин ривожланиши учун қулай шартлар яратди. Пахта ҳосилдорлиги бир неча центнерга ошди. Чунки 1962 йилда ўтказилган тажрибалардан мисол келтирлик. Ана шу йили оdatдаги майдонлардан 37,9 центнердан, ҳар гектарига 1,2-1,5 килограммдан монурон ва диурон солиб ишланган майдонлардан эса 7-8 центнердан кўп ёхуд 44,9-45,7 центнердан пахта ҳосили олинди.

Захарли химикатларни бегона ўтларга қарши қўлланишнинг иқтисодий фойда томони жуда катта. Жумладан экин майдонларини ўтлардан тозалаш учун кетадиган меҳнат сарфини олиб кўрайлик. Иқтисодий ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, 1962 йилда ўт босган 0,5 гектар майдонни тозалаш учун 79,0 киши соати сарфлангани ҳолда, бундан инки киши соати 0,75 килограмм монурон солинган бир гектар ерга атиги 15,6 киши соати сарфлаш kifойа қилган. Яна 1,75 гектар оdatдаги майдонга инкичи бир тажриба вақтида 161,9 киши соати сарфлангани ҳолда, ҳар гектарига 0,75 килограмм диурон солинган 10 гектарлик далага фақат бор-йўғи 61,3 киши соати сарфланган ҳолда. Кўришиб турибдики, гербицидлардан фойдаланиш натижасида даладарини бегона ўтлардан тозалаш кетадиган меҳнат сарфи оdatдаги майдонларга қараганда 3-5 мартага, ҳатто ундан ҳам кўпга қисқаради. Бунинг қуйидаги кўрайликчи нима чикади. Бир гектар ерга гербицид солиниб ишланган вақтда жами 65,5 киши соати сарф

**ИЖОДИЙ** ходимларимиз турли гербицидларнинг тупроқ микроорганизмлари фаолиятига таъсирини аниқлаш юзасидан ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борляптилар. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, гербицид тупроққа тушган вақтдан кейинги дастлабки 10-15 кун ичида микрофлора сони камайиб кетади. Ундан кейинги муддатларда эса яқинча тупроқ таркибидagi микрофлоранинг фаолияти ва ривожланиши кескин равишда тезлашади. Усимли илдизларига тупроқдаги озунга молларнинг оғиб келиш процесси кучаяпти. Бир майдонда гербицидлар билан кўп йиллар (ети йил) мобайнида ўтказилган тажрибалар натижасини оdatдаги ер майдонларининг тупроқ структураси билан солиштиришдан шу маълум бўлдики, тупроқ таркибидagi микрофлоранинг умумий салмоғида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлди. Бундан келиб чиқадиган умумий хулоса шундани, пахтачилик ва маккажўхориликда юқорида кўрсатилган бarcha гербицидлардан институт тасвия этган норма ва методларга риоя қилган ҳолда фойдаланилса, тупроқдаги микроорганизмларга ҳеч бир зиён етмайди.

### БУНИ УНУТМАНГ!

**ХАЛҚИМИЗНИНГ** «Етти ўлаб бир неса» деган доно ғали бор. Ана шу мақолни гербицидлардан фойдаланиш вақтида ҳам эслаб кўйиш турғи бўлади. Гербицидлар — кучли захарли химиявий моддалардир. Улардан эҳтиёт билан фойдаланилмасан ўт билан биргаликда экинлар ҳам қаттиқ зарарланиши мумкин. Шунинг учун бу препаратларни қўлланишда илмий-тадқиқот институтларида ўрганилиб пухта ишлаб чиқилган, амалда таъбиқ қилиш учун тасвия этилган қўрсатмаларга асосланиш керак. Гербицидларнинг хусусиятларини, уларнинг тупроқда қанча вақтга ўз таъсирини сақлаб қоллиши, ишлашиш вақти ва нормаларини ҳамда уларни ерга солиш йўллари яхши ўрганиб олиш лозим.

Кўруқ келган об-ҳаво шароити гербицидларнинг бегона ўтларга таъсир кўрсатишини сустайтириб қўяди. Бундай вақтда қисқа муддатли таъсир кўрсатиш хоссаига эга бўлган пре

«ГЕРБИЦИДЛАР ВА ЗАХАРЛИ ХИМИКАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎФИТЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРГА ҚЎЙИШ ЛОЗИМ. БЕГОНА ЎТЛАР ҲАМДА ҲАР ХИЛ ҲАШАРОТЛАР ВА УСИМЛИКЛАРНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЖУДА КАТТА ЗИЕН ЕТКАЗМОҚДА... ХИМИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ ОЛДИДА ГЕРБИЦИДЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ГЕРБИЦИДЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛИҚ ҚОНДИРИШДАН ИБОРАТ ЖИДДИЙ ВАЗИФА ТУРИБДИ».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

этилади, бу ишлар учун эса 38,90 сўм харажат қилинади. Ваҳоланки, бир гектар оdatдаги майдонга (гербициднинг қиймати, уни ерга солиш учун кетган меҳнат ва ҳисобга кирмайди) 167,2 киши соати сарфланади. Бу харажатлар эса 55,1 сўмини ташкил қилади.

Демак, гербицидлар билан ишланган майдонларда пахта этиштиришга сарфланадиган харажатлар анча кам бўлади. Равшан кўриши турибдики, оdatдаги майдонларга қараганда захарли препаратлар билан ишланган майдонлардан олинадиган ҳосил ҳам кўп, ҳам бир мунча арзонга тушади.

Симазин ва атразин каби препаратларни маккажўхориликда қўлланиш ҳам жуда яхши натижалар берапти. Уларни экиншдан кейин ёки бороналаш вақтида ҳар гектар ерга 3-4 килограммдан бериш натижасида ҳамма турдаги ўтларнинг кескин қирилиб кетиши тажрибада синаб кўрилди. Симазин ва атразин маълум даражада кўп йиллик бегона ўтларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу гербицидлар ишлашган майдонларда маккажўхорида олиннадиган дон ва кўкпоя ҳосилининг анчагина ортиши исботланди. Диурон ва монурон, сингари химикатларни юқорида айтиб ўтилган нормаларда қўлланилса пахта ва бошқа турдаги экинларга, толаннинг сифатига ва уруғининг серёғлигига зиён етмайди.

партлар бекорга исроф бўлиб кетади. Егин-гарчилик ҳаддан ташқари кўп бўлган вақтларда ҳам ерга берилган гербицид суйилиб, таъсир кучи камайиб кетади. Кўруқ об-ҳаво шароитида гербицидларнинг бактериялар ёрдамида ларваланши процесси секин боради, улар тупроқда тез ҳаракатланади. Бу таъсир таъсирга тез бериладиган экинларнинг тупроқдаги химиявий препаратларнинг захарли қолдиқлари билан зарарланиши хавфини тугейдилади. Ўсиб чиқаётган бегона ўт ва экинлар иссиқ, нам ҳаволи шароитларда гербицидлар таъсирини тез берилади. Бундай вақтда гербицидларнинг анча кам дозада олиб ишлаши зарур. Маккажўхорида ишлатилмаган симазин ва атразиннинг таъсир кучи тупроқда узок вақт сақланади. У келиши йили шу майдонларга экинлар бошқа экинларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам маккажўхори ўстириш мақсадга мувофиқдир.

Даладонини даладарга чигит униб чиқиб олдидан ва ўзганини ўсиш даврида қўлланиш ҳеч қандай ижодий натижа берилади. Балки ёвзалар жиддийгина салбий таъсир кўрсатади. Даладон берилган участкаларда пахта ҳосилдорлиги ҳатто 2,3—12,0 центнергача камайиб кетди. Демак бу препаратдан экиншдан 3—4 ой илгари шудгорлаш вақтида ерга солиб фойдаланиш турғи бўлади. Даладон шудгорлаш вақтида тупроқ юзасига берилади, кетидан чизель ёрдамида ишланади. То экингача бўлган муддат ичида униг таъсир кучи бирмунча камайди, экинларга салбий таъсир кўрсатмайди.


**ИНСТИТУТНИНГ** гербицидлар устида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари ҳали пировардида етган эмас. Бу соҳада ҳозиргача амалга оширилган ишларни гербицидларни ўрганишдаги дастлабки биринчи қадам дебгина ҳисоблаш мумкин. Бундан бунёнги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар янада улғувур ва сермазмундир.

Бу йил республикамиз хўжаликлари кўп миқдорда гербицид, дефолант ва бошқа хил химиявий препаратлар оладилар. Чунки 12 минг тонна карбалеум, 1750 тонна П—125, 50 тонна 2,4—Д препаратлари, 2 минг тонна даладон, 800 тонна монурон, симазин ва кўп миқдорда бошқа препаратлар етказиб берилди. Ҳозиргача улардан кўп хиллари келтирилди. Жумладан 12 минг тоннадан зиёдроқ карбалеум, 1400 тонна П—125, 20 тонна 2,4—Д препарати ва бошқа захарли химикатлар олинди.

Ўтган йили кузги шудгордан кейин 2 минг гектардан ортиқ майдон даладон билан ишланди. Бунинг учун 40 тонна препарат сарфланди. Бу йилги мавсумда 40—45 минг гектар майдон чунки 2,4—Д, катта-катта майдонлар симазин ва шунга ўхшаш бошқа препаратлар билан дориланади. Мўъжазкор химиявий воситалар деҳқончилигимизга ҳалол хизмат қилади, пахтакорларимиз оғирини енгил қилади.

В. П. КОНДРАТЮК,  
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

М. А. ЛАЗОВАТСКАЯ,  
илмий ходим.



Мана бу суратда чигит экиш билан бир вақтда ерга гербицид пуркаб кетадиган агрегатни кўриб турибсиз.

**Қишлоқ хўжалик САХИОБАСИ**



